

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

УДК: 8-13+8-14

“БОБУРНОМА” ДА ЭПИК БАЁН ВА ЛИРИК ИФОДА

ЭПИЧЕСКОЕ ПОВЕСТВОВАНИЕ И ЛИРИЧЕСКОЕ ОТРАЖЕНИЕ В “БАБУРНАМЕ”

EPIC NARRATION AND LYRICAL EXPRESSION IN “BABURNAME”

Г.Қосимова¹

¹Г.Қосимова

— ФарДУ, чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада “Бобурнома” мемуар асари муаллифининг сўз санъаткори сифатидаги образи ва ижодий жараёнга муносабати ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье рассматривается образ автора мемуаров «Бабурнаме» как художника слова и его отношение к творческому процессу.

Annotation

The article discusses the image of the author of the memoir “Baburname” as a word artist and his attitude to the creative process.

Таянч сўз ва иборалар: мемуар асар, бадиий компонент, эпик баён, лирик ифода, эстетик таъсир.

Ключевые слова и выражения: мемуарное произведение, художественный компонент, эпическое повествование, лирическое отражение, эстетическое воздействие.

Keywords and expressions: memoir work, artistic component, epic narration, lyrical expression, aesthetic effect.

“Бобурнома” – кўп асрлардан буён турли соҳа вакилларининг диққатини тортиб келаётган қимматли маълумотлар манбаи. Шу билан бирга, ҳали-ҳанузгача китобхонларнинг қалбидан муносиб ўрин олиб келаётган бебаҳо адабий обидадир. Бунинг сабабларидан бири унда тарихий воқеа-ҳодисаларнинг қизиқарли эпик баёни билан лирик кечинмаларнинг мутаносиб уйғунлиқда келишидир. Қуйида биз ана шундай ҳолатлардан айримларига мурожаат қиламиз.

Бобур ижодини ғурбат мотивларисиз, ғариблик нолаларисиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик тадқиқотчилар буни Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳаёти билан боғлайдилар. Фикримизча, бу, унчалик тўғри эмас. Бобурнинг бу мавзудаги шеърлари ҳали ватандалигидаёқ бошланган. Бобур тушунчасида, киндик қони тўкилган, кейинчалик ўзи ҳукмдор бўлган Андижоннинг қўлдан кетиши (1498) ватанжудоликнинг, “жалои ватан бўлмақ” нинг бошланиши бўлган. Масалан, “Бобурнома”дан ҳам тафсилотлари билан ўрин олган қуйидаги рубойиси у Тошкентга – тоғасининг ҳузурига келганида яратилган (1501 йил):

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.

Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч

Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши [1,90].

Шоир она ватанидан буткул узилганидан сўнг бу мотивлар янада конкрет тус олади. Хусусан, Ҳиндистонда эканлигида унга она юридан тухфа қилиб келтирилган қовунни ўз қўли билан сўяр экан, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкканлигини ёзиб қолдирган. Ҳаётидаги ушбу таъсирли ҳодиса қуйидаги мисраларда ҳам ўз аксини топади:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар су,

Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар суе [2,137].

“Бобурнома”дан ўрин олган ушбу мисраларда ҳасби ҳоллик хусусияти ўта бўртиб туриши, лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти деярли бирлашиб кетиши Бобур услубига хос асосий белгилардан биридир. Биз баъзан унинг лирик қаҳрамони тимсолида шоирнинг ўзини кўриб тургандай бўламиз. Шеърларидаги баъзи лавҳалар “Бобурнома”даги айрим воқеа-ҳодисаларнинг лирик тасвиридек туюлади. Масалан, Бобур Ҳиндистондалик пайтида улкан жанглардан бири олдидан майни тарк қилиб, бошқаларни ҳам бунга даъват этади. Кўп йиллар давомида мунтазам май ичиб келган Бобур учун бу анча оғир ва машаққатли бўлганлигини унинг ўзи ҳам “Бобурнома” да эътироф этган.

Рубоийларидан бирида шу мазмунни кўраимиз:

**Май таркини қилғали
паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию
ҳайрондурмен.**

Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,

**Мен тавба қилибмену
пушаймондурмен.**

“Бобурнома”да муаллифнинг май ичишдан тавба қилиши, бу унга осон кечмаганлиги “май хуморидан баъзан йиғлаш даражасига етганлиги” очиқ-ойдин ҳикоя қилинади. “Филвоқе бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоққим, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадига етар эдим” [1,330].

Бобур лирикасидаги аксарият шеърлар ҳаёт воқелиги билан ҳамоҳанг равишда, бирор воқеа-ҳодиса таъсири остида яратилган. Гап шундаки, шоир ўзининг “Бобурнома” асарида баъзи шеърларининг яратилиш тарихи, ёзилган жойини ҳам кўрсатиб кетади. Масалан, 909 ҳижрий, 1503-1504 милодий йилда Бобур ўз кўшини билан Қобулдан Ҳиндистон сари йўл олади. Шу йили Ҳайит байрами билан Наврўз байрами деярли бир кунга тўғри келади. Қўшин ва унга ҳамроҳлик қилаётган одамлар даладашда лола теришиб, байрам кайфиятида юрганларида, шоир ўзининг “Янги ой ёр юзи бирла” деб бошланувчи ғазалини яратади. Бу ғазал бир қарашда байрам мадҳиясидек туюлади. Аммо шоир лирик қаҳрамонининг айтишича, чин байрам янги ойнигина эмас, балки севикли ёр юзини кўрмак, висол нашъасини сурмак билан бўлади. Акс ҳолда байрам шодиёнаси кўнгилга сиғадими?

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,

Менга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.

Ғазалнинг кейинги байтлари ёр васфи ҳамда баҳор фаслининг таърифи билан уйғунлашган ҳолда давом этади.

Шоир ғазал мақтаёсида яна Ҳайит ҳамда Наврўз байрамлари ҳақида сўз юритиб, куйидаги лирик хулосага келади:

Юзи наврўзию васли ийдин Бобур ғанимат тут,

Ким ундин яхши бўлмас бўлса юз наврўз байрамлар [1,136].

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Чархнинг мен кўрмаган” деб бошланувчи энг машҳур ғазалларидан бири ҳам ҳаётини воқелик билан боғлиқдир. 909 ҳижрий, 1506-1507 милодий йиллар воқеалари ҳикоясида “Бобурнома” муаллифи Қобулдан Хуросонга келганлигини айтади. Мақсад Хусайн Бойқаро

вафотидан сўнг қўш ҳокимият тузиб, мамлакатни бошқараётган Бадиуззамон ҳамда Музаффар Мирзолар билан умумий ғаним бўлган Шайбонийхонга қарши иттифоқ тузиш эди. Аммо бир-бирлари билан ҳам иттифоқ туза олмайдиган бу шаҳзодалар Бобур билан ҳам бир фикр ва тўхтама кела олмайдилар. Бобуршоҳ ноумид ҳолда Қобулга қайтади. Йўл тоғ орқали ўтганлиги учун қаттиқ қийинчиликларга дуч келинади. Бунинг устига тинимсиз ёққан қор уларни йўлдан адаштиради. Ниҳоят бир ғорда Бобур ўз одамлари билан жон сақлайди. Муваффақиятсизликлардан, йўл машаққатидан тушкунликка тушган шоир шу ерда куйидаги ғазалини ёзади:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,

Хаста кўнглум кўрмаган дарду балоси қолдим.

...Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,

Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдим [1,174].

Бу ғазалда шоирнинг фақат йўл азобини эмас, балки умуман турмуш укубатларини чекаётгандаги оғир кайфияти ўз аксини топган. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний изтиробларни тўласича тортган лирик қаҳрамон ўзининг хаста кўнгли ҳамма дарду балоларни кўрганлиги, шунинг учун у нариги дунёни тилаб қолганини айтади. Чунки тангри ҳаққи, унинг учун бу дунёнинг ҳеч бир сафоси қолмади.

Ушбу кичик бир ғазал бир дунё туйғуларни, ички кечинмаларни ўз ичига олади. Бу туйғулар ўзининг ҳаққонийлиги ва ҳаётининг билан ажралиб туради. Улар кундалик ҳаёт кўринишларининг шоир қалбида туғдирган ғулғулалари таъсирида юзага келган.

Пейзаж лирикаси, деб юритилувчи табиат тасвири ҳақидаги шеърлар ҳам Бобур шеърлигида кўпчиликни ташкил этади. “Бобурнома” асари тўғрисида биз уларнинг айримларини қачон ва қаерда яратилганини ҳам билиб олишимиз мумкин. 913 ҳижрий, 1506-1507 милодий йилларнинг кўкламида Бобур хос ва яқин кишилари билан Қобул атрофидаги даштларга лола сайлига чиқади. Атрофни қоплаган майсазор, ранг-баранг гуллар шоирнинг илҳомини келтириб, куйидагича бошланувчи шеърни ёзади:

Сабзаву гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,

Хосса бу мавсумда Борон ёзисю Гулбаҳор [1,182].

Ҳамиша бўлганидек, табиат гўзаллиги ҳам, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеалар

ҳам, байрам ва тўйлар ҳам шоир қалбини тўласича хурсандчилик билан қоплай олмайди. Ҳамиша ёру диёр, орзу ва армонлари билан яшайдиган шоирнинг лирик қаҳрамони шеърларга ўз дардларини ҳам қўшиб қуйлайди. Худди ана шу лола сайли таъсирида ёзилган, шоир лирикасининг энг гўзал намуналаридан бўлган қуйидаги шеър ҳам бундан мустасно эмас:

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

...Бошидин эрулуру армони бирла ўлдум, эй Бобур,

Менинг нашъимни бори ул пари кўйидин айлондур! [2,26]

Қобул вилоятининг Борон, Гулбаҳор деган жойларида вужудга келган мазкур ғазалнинг мақтаъси – охириги байтида шоирнинг баҳор ва ёр таърифи, ватан иштиёқи ҳамда мангу армонлари ўзининг оташин ифодасини топган. Агар Бобурнинг тирикликда она диёрига қайта олмаганлиги, қабри олис Ҳиндистондан ватанга яқин бўлган Қобулга кўчирилганини эсга олсак, шеър ниҳоясидаги мисралар шоирнинг ўзига хос башоратидек туюлади.

Хулоса қилиб айтганда, “Бобурнома” шу типдаги бошқа мемуар асарлардан муаллиф образининг ёрқинлиги, воқеа-ҳодисаларнинг эпик баёнига лирик кечинмалар ҳам уйғунлашиб кетганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Адабиётлар:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. — Т., 1990.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Девон. — Т., 1994.
3. Ҳаққул И. Рубоий. — Т.: Фан, 1976.

(Тақризчи: Х.Жўраев - филология фанлари доктори).